Переплёт 2011 I-XII 1-52

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 5-yanvar, chorshanba ● № 1 (702) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ВАҚТ ТУТҚИЧ БЕРМАЙДИ

XIV-XVII асрларда одамлар ўзларининг эҳтиёж ва ташвишларини, муаммоларини елкаларига, нари борса от-араваларга юклаб, макон ва замонни мана шу воситалар ёрдамида ишғол этган, шунда ҳам вақти бемалол бўлган.

⇨ 6-бет

«КИМЕКИМ МАРД ЭРУР ИНСОФ ЛОЗИМ...»

Ўтмишда иймонни дарахтга қиёслаганлар. Ушбу дарахтдан бешта, яъни инсоф, ҳаё, адолат, шафқат ва марҳамат шохлари униб чиққан. Кишида ана шу беш фазилатнинг лоақал биттаси бўлса, у иймонлидир. Агар бирортаси ҳам бўлмаса, бу унинг иймонсизлигидан далолат.

⇨ 7-бет

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Яна икки кундан кейин Қатарда миллионлаб мухлислар тўрт йилдан бери орзиқиб кутган мусобақа — футбол бўйича Осиё чемпионати бошланади.

⇨ 8-бет

Чоршанба дан гача

■ **1 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги матбуотда эълон қилинди.**

■ 30 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш юзасидан 2011 йилга ва кейингги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури лойиҳасини кўриб чиқиб, тасдиқладилар.

■ **30 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бир қатор масалаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.**

Озод юртнинг обод уйлари

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида замонавий уй-жойлар қуриш ишлари изчил ва самарали олиб борилмоқда.

Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Янги Хонобод қишлоғи кун сайин чирой очиб бормоқда. 2009 йили бу ерда намунавий лойиҳа асосида йигирмата уй-жой қад ростлаган эди. 2010 йилда яна элликта ана шундай барча қулайликларга эга, кўркам турар- жой ўз эгаларига топширилди.

Ушбу намунавий аҳоли пунктида замонавий мактаб, боғча, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, савдо ва тиббиёт марказлари барпо этилмоқда.

Суратларда: *Янги Хоноддаги янги уйлар.*

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

✓ Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

САДОҚАТ БАЁТИ

Биз ғурурни, ориятни ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган халқмиз. Аждодларимиз юрт ҳимояси йўлида ҳамиша шаъни, ору номусини ўртага қўйган.

Эр йигит зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилган, қасамёд қилган. Йигитнинг сўзи, қасами қиличидан-да ўткир, кескир бўлган. Жўмардликда боболаримизга тенг келадигани топилмаган.

Замонлар, маконлар ўзгарсада, садоқат баётининг моҳияти ўзгармаган.

Аскарлар билан суҳбатлашганда, кўпинча армиядаги энг ёрқин таассуротлари сифатида Ҳарбий қасамёд қабул қилган кунини эслайди. Нега шундай экан-а? Гап Ҳарбий қасамёд матнидаги руҳдамикин? Ёки гап юрти, Президенти, халқига содиқлик онтини ичаётганидаги ҳаяжондами? Ҳар иккаласи ҳам аскар қалбида бир оташ ҳосил қилган бўлиши мумкин.

2 »

✓ Сарҳисоб

БОШ МЕЗОН: АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Давримизнинг яна бир саҳифасини варақладик. Қалб тўла орзу-умидлар билан янги — 2011 йилга юзландик. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном олган янги йил режаларини тузар эканмиз, айни пайтда бугун залворига кўра тарих зарварақларидан муҳим ўрин олиб улгурган 2010 — Баркамол авлод йили давомида амалга оширилган ишлар сарҳисобини қиламиз.

Бу ҳақда сўз бораркан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил табригида қайд этилганидек, "...қайси соҳани олмайлик, бу қишлоқ хўжалиги бўладими, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар бўладими, ўтган йил давомида қанча-қанча машаққатли синов ва муаммоларни енгиб ўтишга тўғри келганини таъкидлаш лозим. Лекин бошимиздан ўтказган бундай синов ва қийинчиликларга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, ўз ниҳоясига етаётган 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор".

Шу маънода мамлакатимиз медиаоламида ҳам ўтган йил сермаҳсул ва самарали кечганини эътироф этиш жоиз.

Аввало айтиш лозимки, Юртбошимиз 2010 йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида қилган "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" мавзуидаги маърузасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Маърузада "Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор", дейилган сўзлар йил давомида мамлакатимиздаги ҳар бир ОАВнигина эмас. балки уларни қўллаб-қувватлаш борасида фаолият олиб бораётган медиатузилмалар, жамоат ташкилотлари учун ҳам устувор мақсадга айланди.

Хусусан, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам маърузада белгиланган бу вазифалардан ва ўз Низомидаги фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда йиллик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, унинг асосида иш олиб борди.

4 »

«АТИРГУЛ» танловига марҳамат!



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналист хотин-қизларнинг касбий маҳорати ва интеллектуал савиясини юксалтириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий "Атиргул" кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган материалларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, шунингдек, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни вояга етказишга қаратилган мавзулар ёритилган бўлиши керак.

Танловга 2010 йилнинг 1 мартидан 2011 йилнинг 15 февралигача босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эфирга узатилган ҳамда интернет нашрларида берилган материаллар 2011 йилнинг 20 февралигача қабул қилинади.

Танлов голибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида топширилади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси, манзили ва боғланиш телефонлари илова қилиниши керак.

Материаллар "Атиргул" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 35- ва 37-хоналар.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Тел.: 244-64-61; 244-37-87.
E-mael. ijod@sarkor.uz

✓ Инновацион технологиялар

ТАБИАТ МЕҲРИ, ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК

Дунё тўхтовсиз ҳаракатланаётган улкан машинага ўхшайди. Тўхташи бутун оламнинг таназзулига олиб келадиган бу "механизм"нинг узвийлигини таъминлаш учун қанчадан-қанча нефть, газ, уран каби энергия манбалари зарур. Агар инсоният эҳтиёжи учун шулардан фақат нефть ишлатилганда йилига 12 миллиард тонна сарфланарди. Бу киши бошига 2 тоннадан тўғри келади, дегани.

Энергетика соҳасининг ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ривожида мислсиз аҳамиятга эгалиги ҳамда табиий ресурсларнинг абадий эмаслиги дунё ҳамжамиятини қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасида изланишлар қилишга ундамоқда. Хўш, улар тараққиёт учун қай даржада аҳамиятли, чек-чегарасининг кўлами қандай?



Қайта тикланувчи энергияга асосан қуёш, шамол, денгиз тўлқини, саноат, маиший ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан олинадиган биогазлар киради. Улар орасида, айниқса, қуёш нурлари бебаҳо имкониятлар манбаидир. Қолаверса, масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, уни ҳисобга олмасликнинг сираям иложи йўқ. Маълумотларга қараганда, атроф-муҳит ва атмосфера ифлосланишининг 60 фоиздан кўпроғи ёқилғи-энергетика мажмуаси ҳиссасига тўғри келади. Улардан ҳавога кўтарилаётган олтингугурт, азот, углерод оксидлари қуруқликка "кислотали ёмғир" кўринишида қайтиб тушмоқда. Бундан ҳам ачинарлиси, азон қатламини емириб, ультрабинафша нурларнинг ҳеч бир тўсиқсиз ер сатҳигача етиб келишига замин яратяпти. Ҳар ҳолда экологик вазият танг ҳудудлардаги одамлар соғлигининг ёмонлигини бошқача изоҳлаш мушкул.

3 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Ислоҳот натижаси

ЎТГАН ЙИЛ ИНЪОМЛАРИ

Ўтган йилда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам катта муваффақиятларга эришилганини қайд этмоқ жоиз. Нукус шаҳрининг Мустақиллик майдони таниб бўлмас даражада кўркамлашди. Бу ерда Жўқорғи Кенгеснинг янги мухташам биноси қад ростлади. Фавворалар, очилиб турган пахтани эслатувчи оппоқ чироқлар, арча ва бошқа дарахтлар, гуллар беихтиёр киши эътиборини ўзига жалб қилади. Айниқса, қорақалпоқ халқининг буюк шоири Бердақнинг улкан ҳайкали ўрнатилгани Мустақиллик майдонига узукка кўз қўйгандек ярашиб турибди. Нукуснинг янги жозибасини қорақалпоғистонлик меҳнаткашлар эришган ютуқларнинг инъикоси дейиш мумкин.

2010 йилда давлатга 810 тонна юқори сифатли пилла, 86256 тонна ғалла сотилди. Пахтадан эса 188037 тонна ҳосил етиштирилиб, шартнома режаси 104,5 фоизга адо этилди. Биргина пахтачиликдан олинган даромад 5 миллиард сўмни ташкил қилади. Шуниси қувончлики, етиштирилган пахта ва ғалланинг 95 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди.

Республикада аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини янада юксалтиришга муҳим вазифалардан бири сифатида ёндашилганини ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилганида яққол кўриш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасида фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма шохобчаларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Айни пайтда фермерларни 128 та ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи шохобча, 129 та сувдан фойдаланиш уюшмаси, 103 та минерал ўғит сотиш, 102 та зооветеринария тармоғи, 97 та мини банк, 134 та муқобил машина-трактор парки, 4 та агрофирма, 14 та консалтинг ва маркетинг хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йилда ирригация тармоқларида бажарилган ишлар ҳам салмоқли бўлди. Хусусан, 453,9 километр узунликдаги хўжаликлараро каналларни тозалаш режалаштирилган эди. Амалда эса 484,16 километр узунликдаги каналлар қазиб тозаланди. 173 та гидротехник иншоотлар таъмирланди. 3478,9 километр узунликдаги хўжаликларнинг ички суғориш тармоқлари тартибга келтирилди.

Чорвачилик соҳасида қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида қорамоллар сони 762 минг 300 бошга етказилди. Гўшт тайёрлаш 70 минг тонна, сут соғиб олиш 200 минг тонна режалаштирилганди. Бу соҳада ҳам амалий ҳаракатлар ўз натижасини берди. 29 миллион 912 минг дона тухум аҳоли дастурхонига тортиқ этилди. Зооветеринария шохобчалари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларидаги чорва молларига 489 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Тижорат банклари ва аҳолини иш билан таъминлаш жамғармаси томонидан 1077 нафар фуқарога қорамол сотиб олиш учун 1 миллиард 414 миллион сўм микдорида кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, қорамол боқиш билан банд бўлган 1281 фуқарога меҳнат дафтарчалари очилди. Кам таъминланган 795 оилага ҳомийлар ҳисобидан қорамоллар олиб берилди.

Паррандачиликка ихтисослашган 42 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, 118 киши иш билан таъминланди. Шундай корхоналарни модернизациялаш, янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларини моддий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 1 миллиард 881 миллион сўм микдорида кредит маблағлари ажратилди.

2010 йилда табиий ва сунъий ҳавзаларда жами 469 тонна балиқ етиштирилди. Кегайли ва Элликқалъа туманларида майдони 6 гектардан иборат иккита сунъий ҳавзада балиқчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ташкил қилинди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳам кенг кўлам ва салмоқ касб этади. Масалан, мазкур дастурда белгиланган сарф-харажатлар учун 222 миллиард 336 миллион 700 минг сўм маблағ жалб қилингани сўзимиз тасдиғидир.

Нукус шаҳридаги кўп тармоқли республика болалар тиббиёт маркази ҳамда республика болалар силга қарши курашиш санаторийсида 4 миллиард 155 миллион сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди. 53 та мактаб компьютер синфлари билан таъминланди.

Спорт соҳасида эришилган ютуқлар ҳам кўпчиликни қувонтирмоқда. 22 нафар қорақалпоғистонлик спортчилар хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлганликларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Республикада ёшлар учун 27 минг 300 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Ўтган йилда Қорақалпоғистон қишлоқларида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган 310 та турар-жой фойдаланишга топширилди. Шу сингари бунёдкорлик ишлари 2011 — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам белгиланган дастур ва режалар асосида давом эттирилади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири

Инвестиция

Бугунги глобаллашув даврида ҳеч бир мамлакатни алоҳида, айрича тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, уларнинг иқтисодий тараққиётида ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик ўта муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бу жараёнда хорижий инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир.

Ҳамкорлик самара келтирмоқда

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Навоий вилоятида эркин индустриал иқтисодий зонанинг ташкил этилиши, жаҳонда кечаётган молиявий инқирозга қарамай халқаро ҳамкорлик кўламининг янада кенгайишига сабаб бўлди. 2008 йили "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ҳамда "Korean Air" авиакомпанияси ўртасида имзоланган шартномага кўра Навоий аэропортида консалтинг хизматлари йўлга қўйилди. Ушбу икки томонлама тенг манфаатли ҳамкорлик бугунги кунда кўплаб иқтисодий фаолиятларни ўз ичига қамраб олмоқда. Айни пайтда Навоий халқаро аэропорти юк қатнови бўйича ҳам Шарқ ва Ғарб давлатлари ўртасида ишончли ришта, мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда.

Тизим доирасида амалга оширилган ишлар кўламини рақамлар тилида эътироф этадиган бўлсак, ўтган қисқа давр ичида республикамиз бўйича ташилган юкларнинг қарийб 65 фоизи мазкур «ҳаво бандаргоҳи» ҳиссасига тўғри келди. Хусусан, 2009 йили ушбу халқаро аэропорт томонидан 16 минг тонна маҳаллий ҳамда халқаро юклар тўғридан-тўғри ва транзит орқали олиб ўтилган бўлса, ўтган йилнинг биргина 10 ойи мобайнида бу кўрсаткич 50 минг тоннани, яъни 3 баробардан ортиқроқни ташкил этди.

Тўлиқ реконструкция натижасида аэропорт бугунги кунда бутунлай янгича, замонавий қиёфа касб этди. Ҳозир бу ерда суткасига ўнга яқин юк ҳамда йўловчи ҳаво лайнерлари кутиб олинади ва кузатилади. Бундан ташқари, юкларни тезкорлик билан туширишш, жойлаштириш, маҳсулотларни ўз сифати даражасида сақлаш каби барча ишлар замонавий техника ва технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда. Шунингдек, мижозларга аниқ ва тезкор хизмат кўрсатиш учун темир йўл ва автомобиль йўналишлари ҳам такомиллаштириляпти. Бу борада қилинаётган ишлар билан янада яқинроқ танишиш мақсадида Навоий халқаро аэропортининг рўйхатга олиш бўлими бошлиғи Чонг Тао Сам билан суҳбатда бўлганимизда, у қуйидагиларни таъкидлади:

— Ўзбекистон юқори иқтисодий ривожланиш суръатларини намойиш этмоқда. Бугун ушбу халқаро юк терминали имкониятларидан дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари фойдаланмоқда. Биз эса, кўриб турганингиздек, ҳамкорликда янги рейслар сонини оширишда давом этяпмиз. Аминманки, эркин индустриал иқтисодий ҳудудда кўшма лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳамкорлигимиз даражасини яна бир поғона юқорига кўтаради.

Дарҳақиқат, Жанубий кореялик ҳамкорлар иштирокида "Навоий шаҳри аэропорти асосида халқаро интермодал логистика марказини ташкил қилиш" инвестиция лойиҳасига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бу эса мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида, халқимиз турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилаяпти.

Маърифат ШАРИПОВА
Навоий вилояти

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 декабрдаги фармойишига мувофиқ мамлакатимизда ўтказилаётган Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида Сурхондарё вилоятида ҳам йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, қоидабузарликларнинг олдини олиш, йўл қоидаларини тарғиб қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Термиз шаҳридаги 2-мактабда бўлиб ўтган учрашув ана шу мавзуга бағишланди. Унда вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан ўқувчиларга Ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг аҳамияти, йўл ҳаракати қоидалари тушунтирилди.

***Суратда:** вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори, капитан Умид Олимов ўқувчилар билан.*

Ф. АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳомий ташкилотларнинг ҳиммати билан Мўйноқ туманидаги «Қозоқдарё» овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-мактабнинг уй шароитида таълим олаётган 4 нафар ўқувчисига янги йил совғалари топширилди. Ўқувчи Дилфуза Ембергенова ўзига компьютер ҳадя этилганидан беҳад миннатдорлигини баён қилди. Бундай тадбир Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб ўтди.

АНДИЖОН. Вилоят Ёшлар марказида ҳокимлик, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида 18 жуфт келин-куёвнинг намунавий тўй маросими ўтказилди. Тантаналар Бобур майдонида шоир пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Шундан сўнг бўлажак оила аъзолари яхши ниятлар билан кўчат ўтказдилар.

Ёшлар марказида тантанага йиғилганлар ҳузурида келин-куёвларга никоҳдан ўтгани ҳақидаги гувоҳномалар топширилди. Ҳомийлар томонидан уларга телевизор ҳамда бошқа совға-саломлар берилди.

БУҲОРО. Вилоят ҳокимлиги 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан соҳа соҳибларини учрашувга чорлади. Унда тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш, фаолият кўламини янада ошириш ҳақида келишиб олинди.

НАВОИЙ. Навоий шаҳрида кураш турларига ихтисослашган вилоят спорт мактаби ёшлар ихтиёрига топширилди. Мажмуанинг 3 та спорт залида бир вақтнинг ўзида 400 га яқин спортчи ёшлар курашнинг барча турлари билан шуғулланишлари мумкин. Шунингдек, мажмуа ҳудудида мини футбол, баскетбол ва волейбол майдонлари ҳам бор.

САМАРҚАНД. Самарқанд медицина институтида «Тиббиётнинг долзарб муаммолари» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур олийгоҳ ташкил этилганининг 80 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги нуфузли тиббиёт академиялари ва университетларининг олимлари иштирок этди.

СИРДАРЁ. Шаҳарда дори-дармон ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиймати 6,1 миллиард сўмлик «Темир Мед Фарм» корхонаси иш бошлади. Ҳозир бу ерда 2,5 миллиард АҚШ доллари қийматидаги замонавий технологиялар ёрдамида 18 турдаги дори воситаси тайёрланмоқда. 60 киши иш билан таъминланган мазкур корхонада йилига 900 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи дори-дармон ишлаб чиқарилади.

СУРХОНДАРЁ. Бойсун туманидаги «Саодат» кичик корхонасида «Микрокредитбанк» ОАТБ томонидан берилган 206 миллион сўмлик кредит эвазига ғишт ишлаб чиқариш линияси фойдаланишга топширилди. Натижада қўшимча 12 та иш ўрни яратилди.

ЖИЗЗАХ. Тадбиркор Холисхон Бобоева Жиззах шаҳрида пиллани қайта ишлаш корхонасини ишга туширди. Корхона Хитойдан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган бўлиб, 350 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини берди.

ФАРҒОНА. Қўқон давлат мусиқали драма театри жамоаси Мисрда ўтказилган экспериментал театрлар халқаро фестивалида Н.Гоголнинг «Шинель» асари билан қатнашди. Иқтидорли ёш режиссёр Шамсиддин Усмонов «Энг яхши актёр» номига мушарраф бўлди.

ХОРАЗМ. Вилоятда Жанубий Корея Республикасининг KOICA халқаро ҳамкорлик агентлиги билан самарали алоқалар ўрнатилгани туфайли бу ердаги мавжуд 54 та қозонхона ва бошқа иситиш тармоқларини тубдан модернизациялаш, иш фаолиятини яхшилаш имконияти пайдо бўлди. Ҳамкорларнинг 3,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги махсус гранти қўлга киритилди. Шунинг эвазига қозонхоналарда жаҳон андозаларига мос иситиш қурилмалари, сув қувурлари, газ сарфини аниқлаш учун электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди.

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоятда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан ҳар бир хонадонда 20 донадан мевали дарахт ниҳоллари экиш ташаббуси кенг кулоч ёймоқда. Бу хайрли ишни ташкил қилишда республика «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоятдаги вакиллиги фаоллик кўрсатмоқда.

САДОҚАТ БАЁТИ

(Боши 1-бетда.)

Мен эр йигит қасамёд қилаётганда, кўзига, юзидаги ифодага боқаман. Унга бурч туйғуси куч, қувват бераётгандек туюлади, ўша лаҳзаларда. Садоқат баёти уни юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга руҳлантираётганини сезаман.

Бугунги аскар деганда мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ўғлонлар кўз олдимизга келади. Ҳа, истиқлол авлоди — юраги депсиб, кўзлари чақнаб турган ўғлон халқимизнинг тинч-фаровон ҳаётини ҳимоялашга, мамлакатимиз равнақи ва истиқболини асраб-авайлашга онт ичмоқда. Демакки, у Ватанимизда бўлаётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлардан, истиқлол сабаб янада чирой очиб бораётган Ўзбекистонимиздан ғурурланади, руҳланади.

Ватан онамнинг кўзларидан бошланади, деб ёзган эканман болалигимда бир иншомни. Яқинда ўқиб қолиб, таъсирланиб кетдим. Болалигимга қайтдим. Ўша фавқулоддда ҳайратларга бой болаликка, чангитиб юрадиганимиз — теракзор кўчаларга.



Ўзи Ватан қаердан бошланади? Кишини ўйлантирадиган савол. Ватан, юрт сарҳади инсоннинг юрагидан бошланади десак, хато бўлмайди, менимча. Шоир "Ахир гулмиз биз ҳам, ахир илдизимизни суғуриб ололмаймиз заминдан", дея ёзганида қанчалар ҳақ эди. Шунга ҳамоҳанг киндик қоним тўкилган тупроқдан, аждодларим хоки ётган заминдан бошланади, юртим сарҳади, дегим келди.

Дарҳақиқат, юракка, қалбга кўп нарса боғлиқ. Ватанга бўлган меҳр оташи билан уриб турган юракни ҳеч ким забт этолмайдиган бир қўрғон дейиш мумкин. Қўрғонки, аждодларим жасоратидан, матонатидан, садоқатидан қурилган бир улкан иморат. Тарих — улкан бир дарслик. Уни варақлаб кўринг. Юракларини ўқлар тилган, кўксини найзалар тешган аждодларнинг жасоратидан сўзлайди у. Ватан олдида, миллат олдида берган сўзига содиқ қолган боболардан сўзлайди у. Кўксини чангаллаб йиқилганда ҳам мустаҳкам қўрғонини ҳеч ким забт этолмаган қаҳрамонлардан сўзлайди у.

Асотирларга айланган қаҳрамонлар бугун юртига қайтди. Отларининг туёқларидан ўт чақнаб, дупур-дупурлари оламни тутиб, баҳодирлар қайтди юртига. Бешикда ётган чақалоқни-да уйғотди, ҳатто. Ҳа, миллат фарзандлари уйғонди бугун.

Бу фикрлар шу кунларда Ҳарбий қасамёд қабул қилишга ҳозирлик кўраётган, айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган "Ватанга қасамёд" ҳайкали пойида мазкур тантанали тадбирни амалга оширишга тайёрланаётган аскарлар билан суҳбатлашиб туриб, қалбимиздан кечди.

"Бу бетакрор мажмуани бир кўрган одам, ўйлайманки, юраги жизиллаб, унинг маъносини тушуниб, англаб, бу ҳайкални авваламбор Ватанга садоқат, мардлик ва жасорат мадҳияси, эл-юрт ҳимоячиси бўлган фидойи инсонларга қўйилган гўзал бадиий обида сифатида қабул қилади", деган эди Президентимиз "Ватанга қасамёд" ҳайкалининг очилиш маросимида. Давлатимиз раҳбари айтган бу фикрларнинг қанчалар ҳақиқат эканини мажмуани зиёрат қилган жамоатчилик, хусусан, ёшларимизнинг фикрлари орқали кўп бора эшитдик. Бетакрор мажмуани бир кўрган киши шундайин ёниқ ҳис-туйғуларга ошно бўлаётган экан, унинг пойида Ҳарбий қасамёд қабул қилганида аскарларимиз кўнгилларидан қандай ҳаяжон кечишини тасаввур қиляпсизми?

Мард ва жасур фарзандига оқ сут берган, вояга етказган, Ватан тимсоли бўлган мунис ва мўътабар онанинг, юрт хизматига бел боғлаган ўғлонига оқ фотиҳа бериб, оқ йўл тилаётган онанинг пойида садоқатдан онт ичар экан, юрагида улкан бир куч уйғонмайдими?

Байроғимизни кўзига тўтиё қилиб, Ватанимиз ҳимояси йўлида, аждодларимиз хоки ётган муқаддас заминнинг ҳар бир қарич тупроғини асраш учун тайёрман, дея тиз чўкиб қасамёд қилаётган ўғлон тимсоли, мардона қиёфаси жасоратга, матонатга ундамайдими?

Қасамёд қабул қилаётган, садоқат баёти юрагида акс-садо бераётган йигит, биз сенга ишонамиз — истиқлолни, халқимизнинг тинч-фаровон ҳаётини мардонавор ҳимоя қиласан, мамлакатимиз равнақи ва истиқболи йўлидаги мақсадларимизнинг, ишларимизнинг ривожига ҳисса қўшасан. Юрагингда садоқат, буюк аждодлардан мерос жасоратнинг уйғонгани муборак.

Алижон САФАРОВ

ТАБИАТ МЕҲРИ, ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК

(Бошланиши 1-бетда.)



Вазиятнинг янада кескинлашиши ҳалокат билан баробар. Шунинг учун ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Таъкидлаш жоизки, айрим хорижий мамлакатларда бу борада бир қатор ютуқлар қўлга киритилган. АҚШда қанотларига қуёш батареялари билан ҳаракатланадиган машиналар лойиҳалаштириляпти. Европа давлатларида эса миллионлаб қуёш қурилмалари муваффақиятли равишда ишлаб турибди. Ҳақли савол туғилиши табиий: бизда-чи?

Қувонарли томони, юртимизда ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд. «Қуёш ўлкаси», «Серқуёш замин» номлари билан аталиб келинган мамлакатимиз осмонида йилнинг қарийб 350 кунида қуёш порлаб туриши бу соҳада имкониятларнинг чексизлигидан далолат. Тарихимизнинг энг қадимги ёзма манбаси ҳисобланмиш «Авесто»да ҳам қуёш ва ёруғлик худоси Митра тимсолида халқимиз деҳончилик, чорвачилик, тўкин-сочинлик, маъмурлик, мўл ҳосил ҳимоячисини кўрганлари бежиз эмас. Зотан, минг йиллардан буён самода қойим турган қуёшнинг безавол нурларидан тунларимизни ҳам нурафшон этишда фойдаланадиган қурилмаларни ривожлантириш давр талабидир.

Қуёш батареялари — мутахассислар тилида «фото электр тизимлари» деб номланадиган қурилма таркибидаги фотобатарея қуёш нуридан қувват олиб, электр токи ишлаб чиқаради, аккумулятор эса электр энергиясини кечаси учун сақлайди. Улар, айниқса, чўл ҳамда тоғ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлашда қўл келади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ўз вақтида қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори илм-фаннинг бошқа соҳалари сингари физика-техника йўналишидаги илмий изланишларни ҳам янада такомиллаштириш, яратилаётган ихтироларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишда айни муддао бўлди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Физика-техника институтида яратилаётган фотоэлектр қурилма, сув иситгич коллектори, сув кўтариб берувчи мослама, истеъмолчиларни бир вақтнинг ўзида электр энергияси ва иссиқлик билан таъминловчи двигатель каби жаҳоншумул ихтиролар бунга мисолдир.

— Қуёш батареялари 15-20 йиллаб беминнат ишлаб беришини ҳисобга олсак, қисқа фурсатда иқтисодий жиҳатдан ўзини тўла оқлайди, — дейди Физика-техника институтининг Ярим ўтказгичли қуёш элементлари лабораторияси мудири, техника фанлари доктори, профессор Муҳаммад Турсунов. — Айни пайтда институтимиз қошидаги «Курилишгелиосервис», «Хайтексолар», «Мир солар», «Нею энд систем» каби ўнга яқин масъулияти чекланган жамиятларда ушбу воситалар ишлаб чиқарилиб, корхона ва фермер хўжаликларига буюртма асосида етказиб берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистондаги сейсмик станцияларга 30 та қуёш батареяси етказиб бериш учун шартнома тузгандик. Айни пайтда 10 таси тайёрланиб, жойларга ўрнатилди. Қолганлари тайёрлаб-топширилиш арафасида.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси қошида 2005 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Эко-энергия» илмий-тадбиқий маркази ҳам қайта тикланадиган энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

— Айни пайтда бу соҳада катта тажрибага эга бўлган олимлар ва мутахассислар иш олиб бормоқдалар, — дейди марказ директори Мажид Хўжаев. — Жумладан, турли лойиҳалар бўйича уларнинг иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида бир қатор қуёш фотоэлектр ва шамол электр станциялари (ёритиш, телевизор, радио, алоқа, қудуқлардан сув тортиш...), гелиосувиситкичлар, биогаз ва биорганик ўғит (биогумус) олиш қурилмалари (қишлоқ хўжалиги, саноат ва маиший чиқиндилардан), микро гидроэлектр станциялари ўрнатилди.



Дарҳақиқат, «Ҳисор» давлат қўриқхонаси, «Зомин», «Жайрон» экологик марказлари, Самарқанд вилояти Жомбой тумани Марказий шифохонасининг жонлантириш ва туғруқхона бўлимлари, Навоий вилоятидаги «Қуйимозор» экологик мониторинг марказининг фотоэлектр тизимлари билан таъминлангани иш кўлами ва самарадорлигини анча оширди. Шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг "Қорақалпоғистон қишлоқ аҳолиси учун тоза энергия" қўшма лойиҳаси бўйича марказий электр тармоғига уланиши кўзда тутилмаган, узоқда жойлашган алоҳида фермер хўжаликларининг ҳам бундай замонавий қурилмалар имкониятларидан фойдаланаётгани фуқароларимиз кўнглига қувонч, хонадонларига нурафшонлик бахш этди.

Албатта, бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирса арзийди. Қуёш батареяларининг йил сайин такомиллаштирилиб борилаётгани, самарадорлиги ошаётгани эса кишида умидбахш туйғулар уйғотади.

— Икки йилча аввал шифохонамизнинг жонлантириш ва туғруқхона бўлимларига қуёш батареялари ўрнатилганди, — дейди Жомбой туман Марказий шифохонаси бош врачининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Бурхон Ўринов. — Энди қишнинг изғиринли, баҳорнинг серёмғир ҳамда ёзнинг жазирама кунларида ҳам электр токи узилиб қолишидан хавотир олмаймиз. Аҳволи оғир беморларга хоҳ тонг саҳарда бўлсин, хоҳ ярим тунда бўлсин, ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатилаётганида ушбу замонавий қурилмаларнинг ўрни бениҳоя катта бўлмоқда. Бу эса ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол фарзандлари билан ёрқин келажак сари дадил одимлаётган мамлакатимизда фуқаролар соғлигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканининг ёрқин ифодасидир.

Ўрни келганда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Юртимизда тайёрланаётган қуёш батареялари ҳам сифати, ҳам арзонлиги жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Нархи ҳам ҳамёнбоп. Масалан, 140 вт ток ишлаб чиқарадиган қуёш батареяси минг доллар (1 вт учун 7 доллар) атрофида баҳоланади. Хорижда эса бу миқдор бир ярим, икки минг долларни ташкил қилади. Қолаверса, четда тайёрланган қуёш батареялари ўша ернинг табиатига, иқлимига мослаб ишлангани сабаб бир қанча муддат ўтгандан кейин ишдан чиқиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Бундай фотоэлектрик батареялар бир суткада қуёш энергиясидан узилгач, мустақил равишда беш соат давомида 3-4 та люминесцент лампа, телевизор, радиоприёмник, магнитофондан фойдаланиш имконини беради. Қуёш батареялари учун зарур бўлган кремний ва юқори қувватли аккумуляторлар келгусида юртимизда ишлаб чиқариладиган бўлса, унинг таннархи яна бир неча баробар арзонлашади.

Кўриниб турибдики, серқуёш заминимиз мўъжизаларидан баҳраманд бўлиш, илм-фанимизнинг бу соҳадаги ютуқларини такомиллаштириш жамиятимизнинг янада тараққий этишига, энг асосийси эса, экологик барқарорликнинг таъминланишига хизмат қилади.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

✓ Таълим

Донишманд халқимизда «Миллатнинг келажагини ёритмоқ истасанг, мактабнинг чироғини ёқ!» деган ҳикмат бор. Мамлакатимизда умумтаълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор бу ҳикматнинг нақадар ҳаётийлигини исботламоқда. Янги, замонавий таълим муассасалари бунёд этилиб, барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Шароит яхшиланди, имконият ошди

Маълумки, ўқувчи ёшларга замон талаблари даражасида таълим беришда ўқитувчиларнинг билими, малакаси катта аҳамиятга эга. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш вазифаси эса институтимиз фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Кейинги 2-3 йилда институтнинг илмий ва педагогик кадрлар салоҳиятини яхшилашда сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги пайтда 7 кафедрада 8 нафар фан доктори, профессорлар, 21 нафар фан номзоди ва 40 нафар катта ўқитувчи меҳнат қилмоқда.



Институтимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Шу мақсадда бултур 6 та қўшимча ўқув хонаси қурилди, 60 ўринли қўшимча ётоқхона биноси ва 65 ўринли мажлислар зали фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди: бир гектарга яқин ер майдони тозаланиб, 300 тупга яқин мевали дарахт ва юзлаб гул кўчатлари экилди. 2 минг квадрат метр майдон сатҳи жиҳозланди, ҳовли ўртасига ҳашаматли фаввора ўрнатилди. Бу бунёдкорлик ишларининг ҳаммаси институтнинг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилди.

2005 йилда бизда 7 минг нафар тингловчини ўқитиш имконияти мавжуд эди. Олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг 10-12 минг нафар педагог кадрларнинг малака оширишлари учун шароит яратилди. Шу йиллар давомида кимё, физика, биология, информатика ва лингафон кабинетлари ташкил этилди. Улар Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида янги мебель ва керакли лаборатория асбоблари билан жиҳозланди. Буларнинг ҳаммаси институтда таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Илм масканида ташкил этилган барча курсларда 16 соатлик «Ахборот технологиялари» машғулотлари ўқитилади. Уларда интернетда ишлаш, таълим жараёнига жорий этилган электрон дарсликлардан фойдаланиш бўйича кўникмалар берилади. Умуман, барча фанлардан машғулотлар олиб боришда электрон ахборот воситалари, яъни компьютер, видеопроектор, интернет тармоғидан мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан кейинги икки йилда республика матбуотида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир юздан ортиқ мақолалар эълон қилинди. Бугунги кунда улардан амалиётда кенг фойдаланилмоқда.

Ўқитувчининг малака ошириш курсида орттирган тажрибаси, ўрганган билим ва кўникмаларини ўз фаолиятида тўғри қўллаши, пировардида, ўқувчиларнинг ўзлаштиришида ижобий ўзгаришлар кузатилиши меҳнатимиз самараси ҳисобланади. Шунга қараб фаолиятимизга баҳо берилади.

Абдуазиз АМИНОВ,
Самарқанд вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Телефон: (8 371) 233-75-49, Сайт: www.akmt.uz, E.mail: info@akmt.uz

БОШ МЕЗОН:
АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

(Бошланиши 1-бетда.)

2010 йил давомида ижодий уюшма томонидан қатор манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида 60 га яқин тадбир, шу жумладан, 3 та медиа-форум, 14 та конференция, 15 та семинар, 5 та давра суҳбати, 15 дан ортиқ турли йиғилишлар ўтказилди. Булар — фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш, таҳририятларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, журналистларнинг замонавий билим-кўникмаларини кенгайтириш, уларнинг касбий малакаси ва маҳоратини оширишга, бир сўз билан айтганда, босма ва электрон ОАВни ривожлантиришга қаратилган тадбирлардир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бундан кўзда тутилган мақсад, аввало, ОАВнинг ҳуқуқий пойдеворини янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама этиш, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январь ҳамда 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисларидаги маърузаларида белгилаб берилган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ОАВ орқали тарғиб қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар қошидаги доимий комиссияларнинг вазифалари, парламент ва матбуотнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилди. Ҳамкорликда ташкил этилган конференция ва давра суҳбатлари, семинарларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг роли, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида ОАВ фаолияти, нодавлат босма ОАВ соҳасининг бозор механизмларини такомиллаштириш, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, республикада дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришга доир қонунчиликни такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва модернизация жараёнида ОАВнинг таъсирчанлиги ва масъулиятини ошириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди ва улар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. "Қонунчиликни такомиллаштириш — мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим кафолати", "Сўз эркинлиги ва ОАВ: журналистнинг ўрни ва масъулияти" мавзуларидаги конференциялар, "Жамиятни ислоҳ қилишда журналистнинг роли", "Очиқ-ойдинлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг ОАВ билан ҳамкорлигини фаоллаштириш масалалари" мавзуларидаги семинарлар, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган устувор йўналишларни ўрганишга бағишланган йиғилиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда, албатта, ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз тасаввур этиш қийин. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда". Шундай экан, уларда тақдим этилаётган дастурлар сифати ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлиши ҳам табиий. Журналистлар уюшмасининг Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси билан ҳамкорлик муносабатларида айни шу мақсад устувор ўрин тутади. Мазкур ассоциация билан биргаликда ўтган йили ўтказилган "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон ОАВнинг ўрни ва роли", "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат электрон ОАВнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуларидаги медиа-форумлар, "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали, "Ижтимоий телерадиороликлар III Миллий фестивали", "Бахтли болалик учун" телемарафони, "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон ОАВ ва журналистларнинг фаол фуқаролик позициясининг аҳамияти", "Белгиланган вазифаларнинг оралиқ сарҳисоби" мавзуидаги конференциялар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Журналистлар ижодий уюшмаси яна бир ҳамкори — Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳам ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда ОАВнинг ўрни", "Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари" мавзуларидаги конференциялар, "Ўзбекистоннинг маданий мероси ва туристик салоҳиятининг ОАВда ёритилиши" мавзусидаги семинар, "Республика ҳудудий ОАВда фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирлар шулар жумласидандир.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия, Фавқулодда вазиятлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Экология ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, олий ўқув юртларидаги журналистика факультетлари, шунингдек, БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳам биргаликда қатор тадбирлар ўтказилди.

Журналист — жамиятнинг илғор кишиси. Унинг ўткир қалами ва фаол фуқаролик позицияси республикамиз тараққиёти ва жамият равнақида муҳим ўрин тутади. Мамлакатимизда журналистларнинг ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги чора-тадбирлар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Бу ҳақда сўз борар экан, ижодий уюшма ташкилотчилигида ўтказиб келинаётган "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов нуфузи йил сайин ошиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Танлов илк бор ўтказилган 2006 йилда 13 нафар журналист тақдирланган бўлса, 2010 йил эса 27 та мукофот ўз эгаларига топширилди. Танловда 451 нафар журналист 6 минг 700 га яқин ижодий иши билан қатнашди. Кўриниб турибдики, юртимизда фаолият олиб бораётган барча журналистлар учун "Олтин қалам" ҳақли равишда асосий ижодий мусобақа майдонига айланди.

Шунингдек, "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз", "Атиргул" танловлари ҳам журналистлар ижодий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Турдош ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган бу танловлар журналистлар малакасини оширишда, миллий журналистиканинг ютуқларини оммалаштиришда, ОАВда қалам тебратаётган ижодкорларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини таъминлашда, уларнинг дунёқараши, замонавий билимларини кенгайтиришда, фаол фуқаролик позициясининг шаклланишида ва ёш журналистларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

"Баркамол авлод йили" деб эълон қилинган 2010 йилда ёш журналистларнинг амалий билим-кўникмаларини ошириш, ижодий қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Баркамол авлод йили: эътиборда ёш журналистлар" мавзусида ёшлар медиа-форуми, ёш журналистлар учун ўқув семинарлари ва тренинглар, "Келажак овози" ёзги ўқув лагерлари ва медиа-оромгоҳлари ташкил этилди ва уларда ёш журналистларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш устувор мақсад этиб белгиланди.

"Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари қаторига "Баркамол авлод йили"га бағишланган энг яхши материал учун" номинацияси киритилди.

2010 йилнинг 11-15 июнь кунлари қўшни Қирғизистон Республикасининг жанубида юз берган воқеалар халқимизни яна бир синовдан ўтказди. Уюшма томонидан нашрга тайёрланган "Ўзбекистон: инсонпарварликнинг юксак намунаси" ("Узбекистан: проявление высокого духа гуманизма") тўпламидан мазкур воқеаларга доир муҳим сиёсий материаллар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун, АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон билан телефон орқали қилган мулоқотлари, Бухоро вилояти Вобкент тумани қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашув вақтида билдирган фикр-мулоҳазалари, турли халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарларининг Юртбошимиз номига юборган мактублари, хорижий таҳлилчиларнинг бу фожиали воқеаларга билдирган муносабатлари ўрин олган.

Ижодий уюшманинг 2010 йилги фаолиятидан бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бугун эса, истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган янги — 2011 йилга қадам қўйдик. Бу йил, албатта, мамлакатимиз қудрати юксалишини таъминлайдиган, ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада оширадиган йил бўлишига шубҳа йўқ.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг янги йил режаларига келганда, фаолиятимизнинг устувор мақсади — муҳтарам Юртбошимиз ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ватанимиз ва халқимиз манфаатлари йўлида миллий журналистикани ривожлантиришга хизмат қилишдир.

Фурсатдан фойдаланиб, янги йилнинг шу муаззам ва оппоқ орзуларга тўлиқ илк кунларида барча ҳамкасбларимизни, журналист ва ижодкорларни, оммавий ахборот воситалари ходимларини кириб келган 2011 йил билан муборакбод этаман, сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва ҳаётда омад тилайман. Ижодда қаламингиз ҳамиша ўткир бўлсин, азиз дўстлар!

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

НУКУС ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ

Халқимизни 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили билан чин қалбдан муборакбод этади.

Барча ватандошларимизга улкан зафарлар, ишларида муваффақиятлар ҳамда бахт-саодат, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Жаннатмонанд юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин!

ҚЎҚОН ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни 2011 йил билан самимий қутлайди. Барчага оилавий бахт ва эзгу ишларига ривож тилайди.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Телефон: (8 371) 233-75-49,
Сайт: www.akmt.uz. E.mail: info@akmt.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

КОТ' ДИУАРДА МУРАККАБ ВАЗИЯТ

Бир ойдан кўпроқ вақтдан буён Кот' Диуарда мураккаб вазият сақланиб турибди. Гап шундаки, Ғарбий Африкадаги бу мамлакатда президент сайлови бўлиб ўтгандан сўнг, аввалига сайлов комиссияси президентликка номзод Аласан Латарани ғолиб деб топди.

Кейинроқ эса мамлакат конституцион суди сайлов пайтида жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилган, деган асос билан амалдаги президент Лоран Гибагбуни давлат раҳбари деб эълон қилди.

Шундан буён икки рақиб тарафдорлари ўртасидаги бошланган тўқнашувларда 170 нафардан кўпроқ одам ҳаётдан кўз юмди. АҚШ, ЕИ ва бошқа кўплаб давлатлар Латаранинг ғалабасини тан олди. Лекин Гибагбу лавозимидан воз кечмоқчи эмас.

Кеча Ғарбий Африка иқтисодий ҳамжамияти вакиллари Гибагбу билан музокараларни бошлади. Музокараларда ундан ўз ихтиёри билан лавозимидан кетиш талаб қилиняпти. Акс ҳолда ҳамжамиятнинг ҳарбий кучлари мамлакатга киритилиши мумкин. Ўз ўрнида АҚШ Гибагбуга сиёсий бошпана беришга тайёр эканини билдирди. Аммо Гибагбу ўз лавозимидан кетмоқчи эмас. Армия у тарафда. Латара мамлакат пойтахтидаги «Голф» меҳмонхонасида туриб ўз ҳукуматини тузди. Уни БМТнинг Тинчликпарвар кучлари қўриқлаяпти.



ХАРИДОРДАН СОТУВЧИГА АЙЛАНДИ

АҚШнинг Noble Energy компанияси вакиллари Исроил денгиз қирғоқларида катта газ захирасини топганини маълум қилди. Бу ҳақда компаниянинг махсус сайтидаги хабарда айтилган.

Маълумотларга қараганда, газ захираси миқдори 450 миллиард кубометрни ташкил этади. Бу Россия Газпроми бир йилда қазиб оладиган газ миқдоридан 50 миллиард кубометр оздир.

Кон Исроилнинг Хайфа шаҳридан 130 километр узоқликда, 1645 метр чуқурликдан топилган. Бу ерда қазиш ишларини олиб бораётган Delek Energy компанияси вакилининг таъкидлашича, кон сўнгги ўн йилда топилган энг йирик газ захираси ҳисобланади. Reuters мухбирининг ёзишича, ушбу коннинг ишга тушиши Исроилни газ экспортёрлари сафига қўшади.

ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ХАВФ ЙЎҚ

Сахалин кўрфазида ўнта кема ҳалокатга учраш арафасида. Бу кемаларда ўртача 600 нафар одам бор. ИТАР-ТАСС мухбирининг Жанубий Сахалин денгиз қутқарув хизмати марказидан тарқатган хабарга қараганда, кучли қор бўронлари ва совуқ туфайли шундай ҳолат юзага келган.

Кўрфазга учта қутқарув кемаси жўнатилган эди. Уларнинг биттаси 31 декабрь куни, иккитаси эса кеча манзилга етиб келди ва қутқарув ишларини бошлаб юборди.

Хабарда айтилишича, денгизда ҳаво ҳарорати 22 даража совуқни, муз қалинлиги эса 30 сантиметрни ташкил этмоқда. Қутқарув кемаларидан олинган маълумотларга қараганда, музлар орасига тиқилиб қолган кемаларни қутқариш ишлари бошланган. Кемалар ва улардаги одамлар ҳаётига жиддий хавф йўқ.

АТОМ РЕАКТОРИ ҚУРИЛЯПТИ

Шимолий Корея ҳозирги пайтда иккита атом реактори қуряпти. Бу ҳақда қурилишга алоқадор ташкилот вакилининг сўзларига таяниб, Жанубий Кореянинг Kyodo News International телеканали хабар тарқатди.

Ядро реакторларидан бирининг қурилаётгани ҳақида сал аввалроқ КХДРда бўлган АҚШлик эксперт Зигфрид Хекер ҳам маълум қилганди. Ҳукумат вакиллари унга уранни бойитадиган завод ҳамда Йонбендаги ядро мажмуасида тажриба реактори қурилаётгани ҳақида расман айтган. Реакторнинг қуввати 5 мегаватни ташкил этади.

Хабарга кўра, иккинчи реакторнинг қуввати биринчисиникидан ўн баравар ортиқ.

КХДР ҳукумати вакиллари ядро дастури тинчлик мақсадида қурилаётганини, реактор ишга тушиши билан мамлакат аҳолисининг электр энергияга бўлган талаби қондирилишини айтмоқда.

ЭЛЧИ ВИЗАСИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Венесуэланинг АҚШдаги элчиси Бернардо Альваресга берилган виза бекор қилинди. Бунга нима сабаб бўлганини ҳозирча Вашингтон ҳам, Каракас ҳам изоҳлагани йўқ.

France-Presse хабарида айтилишича, виза бекор қилинишидан олдин Венесуэла президенти Уго Чавес агар Оқ уй Ларри Палермони АҚШнинг Венесуэладаги элчиси этиб тайинлаб, Каракасга жўнатса, Вашингтон билан дипломатик алоқаларни узишини маълум қилганди.

Ларри Палермо номзодини Барак Обама ёзда Сенатга тақдим этганди. Аммо Палермо Сенатда сўзга чиқиб, Венесуэла раҳбарлари ҳақида салбий фикр билдирган. Шундан сўнг Венесуэла Палермони элчи сифатида қабул қила олмаслигини билдирган эди.

АҚШ томонидан Венесуэла дипломати визасининг бекор қилишини ўша ҳаракатга жавоб дейишмоқда экспертлар.

НАРКОБАРОН ЧЎКИБ КЕТДИ

«Пичоқ» лақабли наркобарон Герреро Колумбия ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан амалга оширган амалиёт чоғида йўқ қилинди. Сал олдинроқ ҳукумат унинг қаердалигини айтган одамга 2,5 миллион доллар мукофот эълон қилган эди.

Associated Press хабарига

қараганда, мамлакат президенти Хуан Мануэль Сантос бу хабарни маълум қилар экан, жиноятчининг ёнидан иккита тўппонча ва пичоқ топилганини айтиб ўтган. Хабарда қайд этилишича, наркобароннинг буйруғи билан уч минг нафар одам ўлдирилган.

Колумбия раҳбари наркобарон қандай ҳолатда ўлдирилганини айтмади. Фақат ўтган йилнинг 24 декабридан буён жиноятчиларга қарши кескин кураш бошланганини маълум қилди. Герреро танасини текшириб кўрган Богота суд-тиббиёт институти ходимлари, унинг танасида ҳеч қандай пичоқ ёки ўқ изларини кўрмаган. Колумбия полицияси бошлиғи Герреро қочаётган пайтида сувга чўкиб кетганини маълум қилди.

ТЎЙИНТИРИЛГАН УРАН ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛАДИ

50 килограмм юқори даражада тўйинтирилган уран Харьков, Киев ва Севастополь шаҳарларидан Москвага келтирилди. Associated Press хабарида айтилишича, юк АҚШнинг ядровий хавфсизлик бошқармаси билан ҳамкорликда манзилга етказилди.

Украина Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида айтилишича, уран Севастополь ядро энергияси ва саноати миллий университети, Харьков физика-техника институти ҳамда Киев ядро тадқиқотлари институтидан олинган. Маҳсулот махсус контейнерларга жойланиб, самолётда Москвага келтирилди. У Россия пойтахтида қайта ишлангандан сўнг ядро қуроли ишлаб чиқаришга яроқсиз бўлиб қолади. Шундай қилиб, Украина икки йил давомида юқори даражада тўйинтирилган уран захираларидан бутунлай воз кечиш тўғрисида 2010 йилнинг апрелида зиммасига олган ваъдасининг устидан чиқмоқчи. Бунинг эвазига АҚШ Украинада олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар учун паст тўйинтирилган уран етказиб беради. Шунингдек, тиббий мақсадларда ишлатиладиган 50 турдан кўпроқ изотоплар ишлаб чиқарадиган завод ҳам қуради. Заводнинг лойиҳа қиймати 25 миллиард долларни ташкил этади.

МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИНҚИРОЗИ

Сўнгги тўрт йилда АҚШда 300 дан кўпроқ молия ташкилотлари банкротга учради. Бу ҳақдаги хабар «The Wall Street Journal»да эълон қилинди. Бу инқироз 2010 йил Horizon Bankнинг ёпилиши билан бошланган эди.

Биргина 2010 йилнинг ўзида мамлакатда 150 та молия ташкилоти ўз фаолиятини тўхтатди. Хабарда таъкидланишича, асосан активлари бир миллиард долларгача бўлган банклар ёпилган.

Ҳозир мамлакатдаги фаолиятини тўхтатиши мумкин бўлган банкларда 2133 ходим хизмат қиляпти.

ЧИПТАЛАР ПУЛИ ҚАЙТАРИЛАДИ

«Аэрофлот» ўтган йилнинг 26-28 декабрь куни ўз вақтида манзилига учиб кета олмаган барча йўловчиларнинг пулини қайтариб беради. «РИА Новости» хабарида келтирилган бу маълумотнинг ростлигини авиакомпания вакили тасдиқлади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу пул миқдори тахминан 20 миллион доллардан кўпроқни ташкил этади. Амалдаги қонунларга биноан сайёҳлик пакети асосида сотилган чиптаалар нархининг бир қисмини сайёҳлик фирмалари қоплаши керак. Аэрофлот фақат компания кассаларидан сотиб олинган чиптаалар пулини қайтармоқчи.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг сўнгги кунларида обҳаво ноқулайлиги туфайли Россия аэропортларида 200 дан кўпроқ рейслар бекор қилинди. Натижада минглаб одамлар манзилига етолмай йўлда қолиб кетди.

Хориж матбуоти

LE FIGARO (ФРАНЦИЯ)

Эмбаргони бекор қилмоқчи



Европа Иттифоқи Хитойга нисбатан 1989 йили эълон қилинган қурол ва ҳарбий техника сотиш бўйича эмбаргони бекор қилмоқчи. "Le Figaro" мухбирининг ёзишича, ЕИ ташқи ишлар вазири Кэтрин Эштон шундай ташаббус билан чиққан.

Бу масала жорий йилнинг январь ойи ўрталарида бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқи давлатлари ташқи ишлар вазирлари учрашувида кўриб чиқилади. Эмбаргони бекор қилиш учун ЕИга аъзо бўлган 27 давлатнинг барчаси бу масалани қўллаб-қувватлаб овоз бериши лозим. Газета мухбирининг таъкидлашича, кўпчилик давлатлар бу ташаббус тарафдори. Баъзи давлатлар хусусан, Буюк Британия, Голландия ва Германия эса уни бекор қилиш эвазига Хитойдан Тайван билан муносабатларни яхшилаш, 1989 йилнинг 4 июнида Тяньаньмэнь майдонидаги намойишда қатнашганларга нисбатан амнистия эълон қилиш ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилишни талаб этиш таклифини олға суряпти.

DAILY MAIL (Буюк Британия)

Евро йўқ бўладими?

Газета мухбири Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлар маркази (CEBR) тадқиқотларига таяниб мақола эълон қилган. Унда айтилишича, кейинги ўн йилликда кўҳна қитъанинг ягона валютаси — евронинг йўқ бўлиб кетиши 80 фоиз ҳақиқатга яқин.

Сабаби Греция ва Ирландияни қамраб олган иқтисодий бўҳрон тез орада бутун Европага ёйилиши ҳеч гап эмас. Ҳатто навбатда ЕИнинг иқтисодий жиҳатдан учинчи ҳамда тўртинчи давлатлари — Италия ва Испания турибди, деб бемалол айтиш мумкин.

Мақола муаллифи Хьюго Дункан Иқтисодий ва бизнес тадқиқотлар маркази (CEBR) ижрочи директори Дуглас Маквильямснинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтади: "Евро ҳозирги ҳолатда яшаб қолиши учун бешдан бир имкониятга эга"

Дугласнинг таъкидлашича, еврохудудни жорий йилнинг баҳорида яна бир инқироз кутиб турибди. Ҳатто у баҳоргача ҳам бошланиб қолиши мумкин. Евро жорий йилда синмаса ҳам долларга нисбатан жуда кучсизланиб қолади.

ЦЗИНХУА ШИБАО (Хитой)

Марсни мустақил тадқиқ қилмоқчи

Хитой 2013 йилга келиб мустақил равишда Марсга тадқиқот аппаратини жўнатишга тайёргарлик кўрмоқда. Газета мухбирининг ёзишича, аппарат «Чанчжэн-3Б» ракета ташувчи орқали Марсга жўнатилади. Тегишли идоралар лойиҳанинг техник жиҳатларини ўрганиш бўйича ишларни бошлаб юборди.

Газетадаги мақолада айтилишича, техник томондан янги аппарат Хитой ойга жўнатган «Чанъэ-1» ва «Чанъэ-2»га ўхшайди. Унинг оғирлиги 100 килограммдан ошиқроқни ташкил этади.

Хитойнинг биринчи аппарати "Фобос грунт" лойиҳаси асосида 2010 йилнинг октябрь ойида Россиянинг ракета ташувчиси ёрдамида Марсга парвоз қилиши лозим эди. Аммо айрим техник сабаблар туфайли "Инхо-1"нинг парвози 2011 йилнинг октябрига кечиктирилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Телефон: (8 371) 233-75-49,
Сайт: www.akmt.uz, E-mail: info@akmt.uz

Бугуннинг гапи

ВАҚТ ТУТҚИЧ БЕРМАЙДИ

Китоб билан ошно тутинган кишининг маънавияти бой, фикри теран бўлади. Аммо, таассуфки, одамлар мутолаа қилишни унутиб қўйгандек, гуё. Қолаверса, кимнингдир қўлидан тутиб, «нимага китоб ўқимаяпсан», дейиш ҳам тамомилга тўғри келмайди. Бу ҳақда кўп ёзилган бўлса-да, яна ва яна қўлга қалам олишга тўғри келаверади. Мақсад, муҳтарам Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» деб номланган китобларида таъкидлаганларидек, «Одобли, билимдон ва ақлли меҳнатсевар иймон-эътиқодли фарзанд нафақат отаонанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир». Шундай экан, мақсадимиз фарзандларимизнинг билимли бўлишларига, маънан юксалишига ўз фикрларимиз билан туртки бўлишдир.

Китобхонлик муаммоси бутун дунёда мавжуд. Бундай ҳолат умумий миқёсда, даврларнинг ўзига хос табиати ҳамда одамларнинг вақтга муносабати билан боғлиқ бўлса, ажабмас. Келинг, мулоҳаза қилиб кўрайлик: XIV-XVII асрларда одамлар ўзларининг эҳтиёж ва ташвишларини, муаммоларини елкаларига, нари борса от-араваларга юклаб, макон ва замонни мана шу воситалар ёрдамида ишғол этган, шунда ҳам вақти бемалол бўлган. Оила аъзолари, қариндош-уруғлари, дўстлари ҳолидан хабар олиш, мулоқот қилиш, китоб ўқишга вақт топган. XVIII-XX асрларда инсоният велосипед, машина, поезд ва самолётни ихтиро қилди. XX асрнинг сўнгги чораги XXI аср бошларига келиб эса, макон ва замон устидан мислсиз ғалабаларга эришди. Аввал бирор ишга йиллаб, ойлаб, вақт сарфланган бўлса, энди ўша вақт бирликлари дақиқа ва сонияларга айланди. Мантиқан қараганда бундай натижа инсоннинг вақтини тежаши, тежалган вақт эса маънавият ва маърифат йўлида хизмат қилиши лозим эди.

Ҳозир замонавий информацион технологиялар ёрдамида дунёнинг исталган нуқтаси билан бир неча дақиқада боғланиш, истаган юмушни ривожланган технологиялар ёрдамида қисқа фурсатларда битириш мумкин. Аммо ақл ва мантиқни лол қолдирадиган нарса шуки, одамларнинг тирикчилик ташвишларидан орттирган, маънавият учун иқтисод қилган вақти кун сайин, соат сайин қисқариб боряпти. Бу ўринда "тирикчилик" деганда умуман жисм манфаати учун югуриб-елаётган, дунё ташвишлари билан овора инсонни назарда тутяпман. Ташвиш босган одам эса гўзалликни кўра олмайди.

Китобхонлик даражасининг дунё миқёсида тушиб кетганининг бирламчи ва мантиқан изоҳлаш қийин бўлган сабаби, шу бўлса керак.

Иккинчи сабаб, ўқувчини ўзига чамбарчас боғлаб оладиган асарларнинг камлиги, улкан издиҳом ичидан юлқиниб чиқиб, самовий юксакликларга кўтарила олишга имкон топа олмаётган ана шундай асарлар ижодкорининг салоҳияти билан боғлиқ. Одамларга асл ҳолатини тасвирлаб бериш учун ижодкор дегани маиший турмушдан баландда бўлиши керак, албатта. Бу романтика эмас, ижоднинг бирламчи шарти, холос.

Кейинги аср адабиёти том маънода одамлардан узоқлашгандай. Чигаллик шундаки, макон ва замон ҳамда оломон ичида ҳаракат қилаётган ижодкор ҳам, у ёзган асар ҳам одамзотдан "бегоналашди". Хуллас, мана шу икки омил ўзаро уйғунлашиб одамларнинг китобхонлик даражасига бирмунча путур етказди, деган хулосага асос бўлади.

Жаҳонга қиёсан олганда бизда аҳвол бир қадар яхшироқ. Бунинг ҳам иккита сабабини кўрсатиш мумкин. Аввало, ўзбек жамияти ва маънавияти ҳали тўлалигича жаҳон миқёсидаги ижтимоий-маданий оқимга тўла тушиб кетмаган. Аммо бундай хавф йўқ, дейиш нотўғри. Бунинг айрим нишоналари кўринаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Аммо бизнинг минг йиллик маданий, адабий анъаналаримиз, қадриятларимиз бор. Улар ғайримаънавий оқимга қарши доимий равишда қалқон бўлиб келган.

XX асрнинг 60-80-йилларидан бошлаб ўзбек китобхонлари орасида оммавий тарзда ғарб адабиётига ружу қўйиш кузатилган эди. Ушбу факт бир томондан жаҳон адабиётини англаш маъносида ижобий аҳамият касб этса, иккинчи томондан миллий китобхонлик анъаналарининг сусайишига олиб келди. Чунки замонавий ғарб адабиёти намуналари ўта шахсий масалалар ҳақида баҳс олиб борар, миллий калорит эса бундай асарларни оммавий тарзда ўқишни қабул қила олмасди. Натижада ўзбек китобхонлари орасида бўлиниш юз берди. Анъанавий китобхонлик оқими ожизлашди. Мана шу анъана, гарчи бир қадар ожиз бўлса-да, бугунги кунда ҳам маълум таъсир қувватини сақлаб турибди.

Ҳозирги кунда адабиёт тирикчилик манбаига айланиб боряпти, деган мулоҳазалар янграб турибди. Бугун оммавий тарзда ўқилаётган хусусий газеталарга нисбатан олсак, бу маълум маънода тасдиғини топиши мумкин. Кимдир айнан тирикчилик учун олди-қочди асарлар ёзаётгани ҳам, бошқа биров уни нашр этиб, мўмайгина даромадга эришаётгани ҳам ҳақиқат. Энг ёмони, бундай "асар"лар ўз ўқувчиларига эгалиги. Бу ўринда "ёзувчи" ва "ношир"нинг мақсадлари уйғун ва аниқ — моддий фойда олиш. Аммо бундан ўқувчи нима олади? Фойдами ёки зарар?..

Мен китоб савдосига, унинг маълум даромад манбаига айланишига қарши эмасман. Қани бизда ҳам китоб бизнеси гуркираб ривожланса, мамлакатимизнинг муҳим иқтисодий соҳасига айланса. Чунки, аввало, маблағининг маълум улушини китоб сотиб олишга сарфлаётган миллат маънавий савияси юксак миллат ҳисобланади. Иккинчидан, бундан давлат ва халқнинг иқтисодий, маънавий, маърифий даражаси юксалади. Учинчидан, бу муаллиф учун ҳам иқтисодий, ҳам маънавий рағбат вазифасини бажаради.

Ёдингизда бўлса, Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романи қаҳрамони Саидий ижодий фантазияга берилиб, ўз китоблари орқасидан доллар, фунт-стерлинг, лира, иенлар оқиб келаётганини, данғиллама иморатлар қуриб, турмуш фаровонлигига эришганини тасаввур қилади. Буни яқин кунларгача Саидий табиатидаги худбинлик билан изоҳлаб келдик. Лекин моҳиятига кўра, бу у қадар қўрқинчли ҳолат эмас. Аввало, ёзувчи ҳам одам, унинг ҳам барчамиз сингари моддий фаровонликда яшашга ҳаққи бор. Қолаверса, турмуш ташвишидан фориғ бўлган одам тирикчиликдан юксакроқ нарсалар ҳақида ўйлашга кўпроқ мойил бўлади. Энг муҳими, ёзувчининг китобини сотиб олаётган одам биринчи навбатда ёзувчини, шунинг баробарида адабиётни эътироф этган бўлмайдими? Ўзбек ёзувчиси ёзган китобни инглизлар, испанлар, италиялик, америкалик, япон ва хитойликлар сотиб олишса, бу уларнинг ўзбек адабиётини тан олганлари эмасми? Кўряпсизми, бу масала нақадар нозик ва долзарб.

Хўш, ҳалол ва ҳар жиҳатдан манфаатли китоб бизнесини йўлга қўйиш учун нима қилиш керак? Бунда, ақли ожизимча, учта одамнинг мустаҳкам ҳамкорлиги лозим бўлади. Буларнинг бири — истеъдодли ёзувчи, иккинчиси — профессионал ношир, учинчиси — инсофли савдогар. Уларни фақат моддий манфаат эмас, маънавий-маърифий маслакдошлик ришталари боғлаб туриши керак. Бизда азалдан китоб савдоси мана шу мезонлар асосида ривожланган, шу йўл билан маърифий, маданий ютуқларга эришиб келинган. Бугун айни масалада аҳвол ачинарли. Бунда барча оғирлик муаллифнинг зиммасига тушаётгани сир эмас. Чунки муаллиф китобини нашр эттиришда ҳам ноширдан ортиқ меҳнат қилади, тер тўкади. Устига-устак ушбу китобини сотиш ҳам ёзувчининг зиммасида. Энди ўйлаб кўринг, бундай ижодга бегона жараёнларни босиб ўтган муаллиф яна ижодий кайфиятга қайтиши учун кучни қаердан олади?

Шу ўринда «яхши асарлар яратилса, ўқувчиси топилади» деган мулоҳаза билан фикримни якунлайман.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
адабиётшунос

Қилмиш-қидирмиш

Тараққиёт шиддати ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кўзга ташланади. Бу эса кундан-кунга турмушимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Жумладан, замонавий ахборот технологияларининг ҳаётимизга кириб келиши муш-кулимизни осон этмоқда.

Виждондан ҳатлашди. Аммо...

Мамлакатимизда уяли алоқа абонентларининг сони 12 миллиондан ошиб кетгани фикримизни тасдиқлайди. Мобиль телефонларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришидан мўмай даромад топиш илинжида фойдаланиб қолишга уринаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари қаторида божхоначилар ҳам уларга қарши чора-тадбирларни мунтазам олиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларни олиб келишни такомиллаштириш чора- тадбирларини амалга ошириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудида эркин муомалага чиқариладиган, импорт қилинадиган истеъмол товарларининг мажбурий маркаланиши шарт бўлган турлари орасида кўчма телефонлар, жумладан, уяли алоқа воситалари ҳам киритилган.

Жиззахлик божхоначилар томонидан Дўстлик туманида ҳаракатланаётган "Мерседес-бенц" йўловчи автобуси тўхтатилиб текширилганда, унда давлат тилида маркаланмаган ва божхона текширувидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган 36 дона уяли телефон ноқонуний равишда олиб кетилаётгани аниқланган. "Nokia" бренди остида Хитойда ишлаб чиқарилган ва қиймати 1,8 миллион сўмдан ортиқ бўлган ушбу қўл телефонлари фуқаро Р.Асадовга тегишли экан.

Навоийлик божхоначилар эса фуқаро А.Рустамов томонидан 5 турдаги 53 дона мобиль аппаратлар ва 170 дона уяли телефон эҳтиёт қисмларини яширин равишда олиб кетилишининг олдини олдилар. Текширувлар чоғида қонунбузар қиймати 3,3 миллион сўмдан ортиқ ушбу товар-моддий бойликларга тегишли биронта ҳам ҳужжатни тақдим эта олмади.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликдаги ҳаракати туфайли Булунғур туманида 7 миллион сўмлик уяли алоқа воситаларининг кўзланган манзилига етказилишига йўл қўйилмади. Косонлик А.Хўжамуродовга тегишли бўлган "Nokia", "Samsung" русумли 86 дона бу мобиль телефонларни ҳам шундай қисмат кутиб турган эди.

Косонсой туманининг қўшни давлат билан туташтирувчи айланма йўлида ҳаракатланаётган "UAZ" автомашинаси тўхтатиб текширилганда, фуқаро Х.Собитхонов томонидан салкам 30 миллион сўмлик уч турдаги 200 дона уяли телефонни орқалаб, пиёда олиб ўтаётган кимсалар ҳам шу тарзда ўз шериклари билан "алоқа" ўрната олмадилар.

Умида МАНСУРОВА

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни, ёш авлод камолотига камарбаста мураббийларни, меҳридарё устозларни, толеи баланд ёшларни янги йил билан чин қалбдан қутлайди.

Азиз юртдошларимизга янги — 2011 йилда бахт ва омад, соғлиқ, оилаларига тинчлик-тотувлик, файзу барака тилайди.

НУКУС ШАҲРИДАГИ 2-СОН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ ПЕДАГОГИК ЖАМОАСИ

янги 2011 йил билан халқимизни чин қалбдан табриклайди. Янги йилда янги ютуқлар барчага ҳамроҳ бўлсин, диллар қувончга тўлсин!

Хўжайли педагогик коллежи жамоаси

Ватанимиз фуқароларини янги йил билан чин юракдан муборакбод этади. Уларга соғлиқ, бахт ишларида юксак парвозлар тилайди.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Телефон: (8 371) 233-75-49, Сайт: www.akmt.uz, E.mail: info@akmt.uz

Мулоҳаза

«КИМЕКИМ МАРД ЭРУР ИНСОФ ЛОЗИМ...»

Болалигимда уйимиз ёнида тўлиб-тошиб оқадиган ариқ бўлиб, унинг зилол сувлари юзида аҳён-аҳёнда турли хил чиқинди уюмлари ҳам қалқиб ўтиб қоларди. Кимдир бундан таъби хира бўлиб: «Сувга ахлат ташламанг. Жарима 100 сўм» деб ёзиб қўйган эди. Лекин бу чора таъсир қилмай одамлар яна сувни ифлослантиришда давом этавериш-ди. Жарима миқдори борган сари ошириб кўрсатилган ёзув қайта-қайта кўрга ҳассадек қилиб қўйилса-да, барибир натижа бўлмади. Ахийри, бир куни кимнингдир тоқати-тоқ бўлиб: «Ҳой ноинсофлар, сувга ахлат ташламанг. Уволи бор, ахир» дея катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйди. Шу-шу, ариқнинг суви бошқа ифлосланмади.

Қизиқ. Биргина «ноинсоф», «уволи бор» деган сўзлар кишилар кўнгли тубидаги виждонини уйғотиб юборибди-я. Аслида инсоф билан ноинсофликнинг ораси бир қадам. Худди яхшилик ва ёмонлик сингари доимо бирга. Уларнинг қиймати ва ўрнини баҳолай олиш керак. Инсоф виждон дея аталмиш маконда паноҳ топган. Ҳар бир кишининг юрагида яшайди у. Фақат уни англаш керак, холос.

Инсон ақл-заковат соҳиби. Ўзини идора қилиш учун унга гўзал ва эзгу фазилатлар ато этилган. Кимдир бунга амал қилиб, ҳалол ва пок яшайди. Кимдир эса...

Кечки пайт ишдан қайтаётиб бозорга кирдим. Бозор ниҳоятда гавжум. Мева-чева харид қилаётган эдим, сал наридаги дўконда шовқин кўтарилди. Бир аёл баланд овозда гапириб, ўтган-кетганнинг эътиборини ўзига тортаётган эди. Маълум бўлишича, у сал аввал икки кило гўшт олиб кетган экан. Бозордан чиқаётиб дарвоза олдида турган назорат тарозисига қизиқибми ёки гўшт мўлжалдагидек туюлмагани учунми, ўлчаб кўрибди. Гўшт оз эмас, кўп эмас — нақ 400 грамм кам экан. Буни кўрган аёл шу заҳотиёқ ортига қайтибди. Сотувчи эса ундан устун келиш учун баҳслашар, аёлнинг ўзини ёлғончиликда айбларди.

Шу пайт воқеани кузатиб турган онахон:

— Ноинсоф-а, кўзини лўқ қилиб ёлғон гапиришига қара, — дея бошини сараклатиб қўйди.

... Бир отахон картошка харид қилиш учун расталарни оралаб нарх-навони суриштираяпти. Сотувчилардан бири уни чақириб:

— Келинг, 100-50 сўм пулидан қочманг. Ўша сизга сал арзонлаштириб берадиганлар тарозидан уриб қолади. Биз эса айтган нархга сотганимиз билан тарозидан урмаймиз, — деди.

Буни эшитган отахон тўхтаб, бир зум сотувчига қараб турди-да:

— Ҳар кимнинг инсофини ўзига берсин, — дея йўлида давом этди.

...Одатдагидек кечки маҳал транспорт воситалари тирбанд. Кимдир ишдан қайтаяпти, кимдир ўқишдан. Биров қай бир юмуш билан йўлга отланган. Бундай пайтда, айниқса, қўлида юки бўлган йўловчилар сони янада ортади. Навбатдаги бекатдан кекса бир онахон чиқди. Ҳамма ўз хаёли билан банд. Ўриндиқларда ўтириб олган йигит-қизлар атрофдагиларга парво ҳам қилмай, баралла овоз билан бир-бирларига нималарнидир сўзлаб кетишяпти. Охири бу ҳолатдан ранжиган бир аёл:

— Ҳой, барака топкур, жой берсанг бўлмайдими? Қачондан буён тепангда шу аёл тик туриб кетаяпти-я, — деб танбеҳ берди.

Айнан шу ҳолат баҳона бўлди-ю, яна бир-икки киши ўз фикрини билдиришга тушди:

— Кўрмайсизми, бири бемалол телефонда гаплашиб ўтирибди, бири кўзини юмиб олган....

> *Халқимизда инсоф сари барака, деган нақл бежизга айтилмаган. Зотан, инсоф борлиги учун ишимизда унум бўлади, ҳаётимизга барака киради. Иззат-ҳурмат, сийловни ҳам инсофдан топамиз.*

Киши қалбидаги жамики туйғулар нурга қиёсланади. Меҳр, муҳаббат, дўстлик, садоқат, севги, инсоф ва ҳоказо. Улар қанча порласа, кўнгил ҳам шу қадар чароғон бўлади. Хира тортган туйғулар ҳақида гапирмоқ қийин. Негадир кейинги пайтларда инсоф ҳақида кўп сўз юритилмоқда. Аслида инсоф ўзи нима? Унинг жамиятдаги ўрни қандай ва шу қадар куюниб гапиришга арзийдиган жиҳатлари борми? Бу каби саволлар қуйилиб келаверади, келаверади. Жавоби эса...

Инсоф — виждон амри билан иш тутмоқликдир. Бинобарин, киши виждони ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Инсофда одамнинг феъл-атвори, фазилатлари, хатти-ҳаракатлари ифодаланади. Шу боис, унинг бир оғиз каломига, жиндек ҳаракатига қараб теваракдагилар «инсофли» ёхуд «ноинсоф» дея баҳо беришади. Инсофли бўлиш эътиқод мустаҳкамлигига боғлиқ. Эътиқодсизликдан инсофсизлик келиб чиқади.

«Инсоф йўқолган жойда адолатсизлик юзага келади», деган эди донишмандлардан бири. Адолатсизлик эса, ўз навбатида, барча иллатларга йўл очади. Бундан кўриниб турибдики, биз учун арзимас туюлган ҳолат – инсофсизлик қанчадан-қанча катта хатоларга «доялик» қилиши мумкин.

Самарқандга хизмат сафари билан борганимда курсдошим Нигоранинг уйида бўлдим. Талабалик йилларимизни эслаб суҳбатлашиб ўтирганимизда, унинг 5 ёшли ўғли Барҳаётжон кириб келди-да:

— Ойи, ўртоғим Шерзод инсофсизлик қилди. Кўчадаги ёнғоқдан эгасидан сўрамай олди, — деди.

— Майли, ўғлим, боравер, мен ўзим унинг ойисига тушунтириб қўяман, — деди Нигора.

Уларнинг бу суҳбатидан ҳайрон бўлганимни сездими, дугонам изоҳ берди:

— Болаларимга бировнинг буюмини рухсатсиз олиш, ёлғон гапириш, катталарни ҳурмат қилмаслик гуноҳ бўлишини, инсофсизлик эканлигини тушунтирганман. «Инсофи бўлмаган одам улғайганида ҳам қийналади, уларга ҳеч ким ёрдам бермайди, ҳеч ким ҳурмат қилмайди» деган тушунчаларни сингдирганман. Болага ёшлигида нимани айтсангиз — шуни хотирасида муҳрлайди, нимани ўргатсангиз — шунга амал қилади. Сизга эриш туюлиши мумкин, лекин баъзида болаларим менинг ҳам хатоимни тузатиб, тартибга чақириб туришади.

Дарҳақиқат, болаларни айбимизни, хато-камчиликларимизни рўй-рост кўрсатадиган кўзгуга қиёслаш мумкин. Кўзгу ташқи қиёфангиздаги нуқсонларни кўрсатса, болалар хатти-ҳаракатларингиз ва феъл-атворингиздаги айбни ошкор этади-қўяди. Шу сабабли ҳам уларнинг қаршисида ножўя хатти-ҳаракатлардан тийилиб турамиз. Демак, ноинсофлик болаларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, уларнинг олдидаги мавқеимизнинг тушишига ҳам «хизмат» қилар экан.

Умрнинг ҳам, ҳаётдан кўрадиган моддий манфаатнинг ҳам баракаси, аввало, инсофда.

Ўтмишда иймонни дарахтга қиёслаганлар. Ушбу дарахтдан бешта, яъни инсоф, ҳаё, адолат, шафқат ва марҳамат шохлари униб чиққан. Кишида ана шу беш фазилатнинг лоақал биттаси бўлса, у иймонлидир. Агар бирортаси ҳам бўлмаса, бу унинг иймонсизлигидан далолат.

Халқимизда инсоф сари барака, деган нақл бежизга айтилмаган. Зотан, инсоф борлиги учун ишимизда унум бўлади, ҳаётимизга барака киради. Иззат-ҳурмат, сийловни ҳам инсофдан топамиз. Машҳур шораларимиздан Анбар отин лутф қилганидек:

Кимеким мард эрур инсоф лозим,
Билурға сўз дурин сарроф лозим.

Ҳар доим овқатланиш, юриш-туриш каби амалларни бажаришга қанчалик эҳтиёж сезсак, кўнгилларга нур бағишлагувчи инсофни ҳам шу қадар қалбимизда мустаҳкамлаб бормоқ жоиз. Токи, инсофсизлик ортидан юзага келадиган дилозорликлар туфайли ўзгалар диққат-эътибори ва назаридан четдан қолмайлик. Ёхуд Нодирабегим таъбири билан айтганда:

Элнинг айбини зоҳир этмоғлиғ,
Йўқдир инсоф ила мурувватдин.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА

Ибрат

Яхшилик

Бу воқеа ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Айни қиш чилласи эди. Бекатда автобус кутиб ўтирар эканман, беихтиёр кўзим бир бурчакда ғужанак бўлиб ўтирган онахонга тушди. У совқотиб қолмаслик учун юпунгина пальтосига маҳкам ўраниб олган эди. Олдидан ўтиб кетаётганларга бир нима демоқчидай оғиз жуфтлар, жовдираб қарар, лекин ҳеч нима айтолмасди. Охири бир йигитни тўхтатди:

— Ўғлим, ҳой ўғлим, сиздан бир нима... сўрамоқчийдим.

— Ҳа, холажон, тинчликми? — дея йигит онахонга яқинлашди.

— Болам, шу... йўлкирамга пулим қолмувди. Озгина пул бериб турсангиз, уйимга етиб олсам, — деди онахон заиф овоз билан гуноҳкорона оҳангда.

— Бўпти холажон, мана, — йигит шундай дея чўнтагидан пул чиқарди.

— Ўғлим, тағин сиз мени тиланчи экан, деб ўйламанг, ночорлигим учун шундай қилдим, болам. Қизим бир ҳафтадан бери касалхонада ётувди. Боримни дорига сарфлаб қўйибман... Ўғлим, рози бўлиб беринг-а, яна сизни норози қилиб, кўнглингизни хира қилиб қўймай, — онахон шундай дея хижолатлик билан йигитга қаради.

— Йўғ-е, холажон, нималар деяпсиз. Мингдан минг розиман. Ахир, савоб иш қилиш ҳам керак-ку! Юринг, ўзим сизни кузатиб қўяман.

Онахон уни узоқ дуо қилди. Кейин йигит онахонни қўлидан етаклаб, автобусгача кузатиб қўйди.

Бир неча дақиқа ичида бўлиб ўтган бу воқеа мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ўйланиб қолдим. Ўзимга-ўзим савол бера бошладим: «Сен шу кунларда бирор яқин кишингами ё бошқагами ёрдам қўлини чўздингми? Мурувват кўрсатдингми?» Бу саволлардан ғалати бўлиб кетдим. Негаки, уларга ижобий жавоб топа олмадим...

Ана шу воқеадан сўнг атрофимдаги яқинларимга, дўстларимга кўмаклашадиган бўлдим. Уларнинг оғирини енгил қилиб, ҳар куни ёрдам қилишга чоғландим.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
Риштон академик лицейи ўқувчиси

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК
2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Телефон: (8 371) 233-75-49
Сайт: www.akmt.uz, E.mail: info@akmt.uz

Футбол

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси унда муносиб иштирок этишга тайёрми?

Яна икки кундан кейин Қатарда миллионлаб мухлислар тўрт йилдан бери орзиқиб кутган мусобақа — футбол бўйича Осиё чемпионати бошланади.



Эътиборли томони, мазкур қитъа биринчилигида чемпионлик учун кураш олиб борадиган 16 та терма жамоа орасида бизнинг вакилларимиз ҳам бор.

Юртдошларимиз мусобақанинг "А" гуруҳида мезбонлар — Қатар, Қувайт ва Хитой терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун баҳс олиб боришади. Яна бир аҳамиятга молик жиҳат шундаки, чемпионатнинг очилиш учрашувида Ўзбекистон терма жамоаси қатарлик футболчиларга қарши майдонга тушадилар. Демак, вакилларимизни мусобақанинг биринчи ўйинидаёқ жиддий синов кутиб турибди. Қолаверса, қувайтлик ва хитойлик футболчилар ҳам аноийлардан эмас. Шу боис, Осиё чемпионатида йигитларимизга осон бўлмаслиги аниқ. Хўш, Ўзбекистон миллий терма жамоаси "Осиё кубоги — 2011" турнирида муваффақиятли иштирок этиш учун муносиб тайёргарликка эгами?

Агар ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек футболи тарихида айтарлик йирик ғалабалар қўлга киритилмаганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Фақатгина 1994 йилда Японияда ўтказилган Осиё ўйинларидаги муваффақият бундан мустасно. Шу ўринда фахр билан айтишимиз мумкинки, бугун юртимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ўзбек йигит-қизлари нафақат қитъамиз, балки дунё ареналарида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиб ва совриндорлар орасидан жой олиб келишмоқда. Бундан йигирма йил аввал бизга беписанд назар билан боққанлар айни пайтда спортчиларимизга асосий рақиб сифатида қарашмоқда. Хоҳ жаҳон чемпионати, хоҳ Осиё биринчилиги бўладими, барча мусобақаларда Ўзбекистон спорт делегацияси ғолибликка асосий даъвогар саналмоқда. Бу амалда ўз тасдиғини топмоқда ҳам. Шунинг учун ҳам бугун юртимиз аҳли футболчиларимизнинг Осиё чемпионатида совриндорлар қаторидан жой олишини кутмоқда.

Миллий терма жамоамиз қитъа чемпионатига кўнгилдагидек тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Бош мураббий ва футболимиз мутасаддилари томонидан ишлаб чиқилган режа асосида бир нечта ўқув-йиғин машғулотлари ўтказилди, ўртоқлик учрашувлари ташкил этилди. Жумладан, ўтган йилнинг декабрь ойи бошларида Тунисда галдаги тайёргарлик йиғини ўтказилди. Аммо...

Амалдаги режага мувофиқ вакилларимиз у ерда Тунис ва Ливан терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувларида майдонга тушиши лозим эди. Афсуски, бу ўйинлар ўтказилмади. Уларнинг ўрнига Вадим Абрамов шогирдлари савияси ҳаминқадар бўлган маҳаллий JSK (1:0), «Ҳаммам Лиф» (1:1) жамоалари ҳамда Бразилиянинг «Атлетико Минейро» (4:1) клуби билан куч синашди. Шу ўринда бир мулоҳаза. Бу билан футболчиларимизга берилган шунча имконият, вақт ва маблағ зое кетмадимикан? Негаки, терма жамоа ва клуб ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Осиё чемпионати эса шунчаки оддий мусобақа эмас, у ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган нуфузли турнир. Демак, унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш мақсадга мувофиқ бўларди. Футболчиларимиз ўртоқлик учрашувларини кўпроқ клублар билан эмас, аксинча миллий терма жамоалар билан ўтказганларида, бу уларга янада кўпроқ фойда келтирарди, деб ўйлаймиз.

Ватанимизга қайтиб келган терма жамоамиз устози журналистларга интервью берар экан, Тунисдаги йиғиндан кўнгли тўлганини айтди:

— Гарчи у ерда терма жамоа билан ўйнай олмаган бўлсак-да, биз тўртта ўртоқлик учрашувида иштирок этдик. Шу боис, йиғиндан қониқдим деб айта оламан. Чунки ўтказилган ўйинларнинг бирортасида ютқазганимиз йўқ. Қолаверса, рақибларимиз анчайин савияли жамоалар эди. Ўйлайманки, бу орқали йигитлар ўзларининг халқаро тажрибаларини янада ошириб олдилар.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг навбатдаги йиғини Бирлашган Араб Амирлигида ташкил этилди. У ерда эътибор асосан футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилашга қаратилди, учта ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Дубай шаҳридаги биринчи назорат учрашувида рақибимиз Баҳрайн терма жамоаси бўлди. Мазкур ўйинда томонлар муроса кўчасини танлаган бўлишса-да, Ўзбекистон терма жамоаси учун бу Осиё кубогига тайёргарлик кўришдаги энг тўғри ва сўнгги танлов эди. Чунки ушбу икки жамоанинг куч ва имконияти тенг. Ҳар икки жамоа доим ўз олдига катта мақсадларни қўяди.

Кейинги учрашувда Вадим Абрамов шогирдлари ўз "анъаналари"га содиқ қолган ҳолда Дубайнинг «Аш-Шабоб» клуби билан назорат учрашувини ўтказди. Мазкур баҳсда термамиз кичик ҳисобда рақибдан устун келди. Бу ўринда ортиқча изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Осиё Кубогига тайёргарлик доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги ўйинда Иорданияга қарши майдонга тушди. Учрашувда 2:2 ҳисобидаги дуранг қайд этилди.

Шундан сўнг, мамлакатимизнинг бош жамоаси Доҳа шаҳрига жўнаб кетди. Айни пайтда мураббийлар штаби асосий таркиб футболчиларини аниқлаш ва керакли тактикалар устида иш олиб боришмоқда. Футболчиларимиз оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларида биринчи учрашув мезбонларга қарши кечишига қарамасдан, фақат ижобий натижа учун майдонга тушиш ниятида эканликларини айтиб ўтишган. Биз ҳам уларга фақат омад ёр бўлишини тилаймиз ва истаймизки, хавотирларимиз асоссиз бўлиб чиқсин!

Эслатиб ўтамиз, Қатар-Ўзбекистон учрашуви 7 январь куни Тошкент вақти билан соат 21:[15] да бошланади.

Азим РЎЗИЕВ

Истеъдодлар маскани

Рағбат

Ўзбекистон Бадиий Академияси Тасвирий санъат коллежи "таржимаи ҳоли"нинг салмоғи устоз рассомларга ҳам, бу ерда таҳсил олаётган ўқувчиларга ҳам бирдай масъулият юклайди. Бу даргоҳда ўзбек тасвирий санъатининг улкан намояндалари сабоқ олган.



Коллежда ўқувчи-ёшларнинг чуқур билим олиб, касб сирларини кенгроқ ўрганишлари учун барча шароитлар яратилган. Ёш ижодкорларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш, қобилиятли ўқувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида коллеж педагогик жамоаси томонидан турли тадбирлар уюштириб келинмоқда. Чунки ўқув услубида яратилган бўлса ҳам, ўз асарларининг эътиборга тушганини кўрган ўқувчида қизиқиш ва рағбат янада ортади.

— Ўқувчиларнинг маданиятимиз ва тасвирий санъатимизнинг муносиб давомчилари бўлиб етишишлари учун биз, устозлар масъулмиз. Нафақат уларнинг тарбияси, балки ана шу тарбия самарасини ўқувчиларимизнинг ижод намуналарида ўз аксини топтириш, маънан баркамол ижодкорларни тарбиялаш асосий вазифамиздир, — дейди коллеж директори Орзиқул Рўзиев.

Яқинда коллеж ўқувчилари иштирокида ўтказилган "Гиёҳвандлик — XXI аср вабоси" номли кўрик-танлов ҳам бу ерда таълим-тарбия нечоғли тўғри йўлга қўйилганидан дарак беради.

Кўрик-танлов кўргазмасини томоша қилар экансиз, 15-17 ёшли ўқувчиларнинг дунёқараши ва фикрлаши теран эканига, ҳаётнинг ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдоси сингари мудҳиш томонларига ўзларининг қатъий "йўқ" сўзини айтиб, таъсирчан асарлари билан қарши кураша олишларига ишончингиз комил бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, танловда иштирок этган ҳар бир ўқувчи ўз асарининг шу мавзуда олдин қилинган ишларга ўхшаб қолмаслигига, таъсирлироқ чиқишига интилган ва маълум маънода бунга эришган ҳам.

Учинчи босқич ўқувчиси Сардор Раҳимовнинг "XXI аср вабоси" асарини, айниқса, эътирофга сазовор дейиш мумкин. Асарнинг қизиқарли композиция ечими, бўёқларнинг танланиши ўқувчининг билими ва юксак иқтидоридан дарак беради. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, ҳакамлар ҳайъати мазкур асарни биринчи ўринга лойиқ деб топдилар.

Иккинчи босқич ўқувчиси Ольга Каннинг "Арақхўрлик ва чекишнинг оқибати" асари иккинчи ўринга муносиб кўрилди.

Коллежнинг Тарихий либос бўлими ўқувчилари томонидан ишланган, гиёҳвандликнинг аччиқ оқибатлари ҳамда соғлом турмуш тарзи тасвирланган "Ўзинг танла" фотокомпозициясига эса учинчи ўрин берилди.

Севара Алимова, Анастасия Пуригина, Ўғилой Сатторова, Надима Шеренаева, Асқар Аннаев каби ижодкор ўқувчилар ҳам мақтовга лойиқ асарлари учун совғалар билан тақдирланди.

Солия МАҲМУДБЕКОВА,
ўқитувчи

Ўйлаб, фикр қил...

Битта ҳақ сўз билан душманни дўстга, битта ёлғон билан эса дўстни душманга айлантириб қўйиш мумкин.

* * *

Зар олдида зўр ҳам ғўр саналур.

* * *

Болаларимиз бойлигимиз: қанчалик каттармасин, кўзимизга кичкина бўлиб кўринаверади.

* * *

— Ким билимдон?
— Ҳар кимдан ниманидир ўрганувчи.
— Ким қудратли?
— Ўз нафсини жиловлай олувчи.
— Ким бадавлат?
— Борига қаноат қилувчи.

Тўпловчи: Шараф МИРЗО

КУЛГИ БЕКАТИ

— Дада, сиз қуёндан қўрқасизми?
— Йўқ.
— Бўлмаса, нега қуён овига ит билан милтиқ кўтариб борасиз.

* * *

— Пастки қаватда яшайдиган бола билан ўйнамагин, у жуда ёмон тарбия кўрган.
— Мен яхши тарбия кўрганманми?
— Ҳа.
— Унда у бола мен билан ўйнаса бўларкан-да!

* * *

— Мен ўқиган вақтимда тарихдан доим "5" олардим. Сен "4" оляпсан. Дангаса экансанда...
— Йўқ, бобожон, сизнинг вақтингизда тарих анча қисқа бўлган.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Телефон: (8 371) 233-75-49,
Сайт: www.akmt.uz, E.mail: info@akmt.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@mail.ru

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-369-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33
Навоий — 8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азимжон РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.10

® — тижорат белгиси.

Адади: 8835 Буюртма — Г-126 12345